

“АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ”ДА ЧЎЛПОН ИЖОДИГА МУНОСАБАТ

Орзигул ХАМРОЕВА

катта ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Чўлпон бир давр етиштирган икки буюк ижодкор бўлиб, адабиётшунослар XX аср бошларида ҳукм сурган адабий муҳит ҳақидаги тадқиқотларида бу икки буюк ижодкор ижодий меросини ўзаро қиёсий ўрганган ҳолда давр муҳитини белгилашга ҳаракат қилишади. Бу икки буюк ижодкор ҳар соҳада ҳамфикр бўлиб, бир-бирларининг ижодий меросларига бефарқ эмас эдилар. Хусусан, Чўлпон Фитратнинг бир қанча драмалари ва уларнинг дунё юзини кўриши билан боғлиқ воқеликлар ҳақида санъатга оид хабар, тақриз ва мақолаларида маълумот бериб ўтган (4, 3-78). Ўз даврининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва шу билан биргаликда адабий муҳит, адабий тўнтаришлар, янги жанрларнинг кириб келиши, мумтоз адабиёт борасидаги бир қанча илмий-назарий қарашларда ҳам бу икки ижодкор ҳамфикр эдилар. Чўлпоннинг “Адабиёт надур?”, “Муҳтарам ёзувчиларимизга”, “Улуғ ҳиндий”, “Тагор ва тагоршунослик” каби мақолаларида акс этган қарашлар Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” асари таркибидаги қарашлар билан ўзаро мутаносиб (4, 3-78). Чўлпон ижоди, унинг ўзига хос услуби, ифода йўсини Фитратнинг эътиборини тортган. Фитрат бир қанча асарларида Чўлпоннинг шеърӣ ва насрий асарларига мурожаат этган ҳолда адабиётшуносликка оид қарашларини далиллаган (1, 11–117).

Фитрат “Адабиёт қоидалари” асарида адабиётнинг энг тўғри таърифи сифатида “...*фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир*” (1, 13) каби фикрларни келтиради. Шу нуқтайи назар билан ижодкорлар асарларини таҳлилга тортади. Олим даврининг бир қатор ижодкорларни санай туриб, Чўлпонга алоҳида эътибор қаратган ҳолда улар ижодининг бир давр вакили сифатидаги ўхшаш - ўзбекчалиги ҳамда ўзига хос услуби, ифода йўсини ҳақида батафсил тўхталади. Фитрат “Адабиёт қоидалари” асарида жанрлар ҳақида илмий муносабат билдирар экан, жуда кўп ўринларда, албатта, Чўлпонга мурожаат этади, ундан янгича қараш, янгича услуб, замонавий жанрлар элементларини, уларнинг тақомилани кидиради. Хусусан, Фитрат ҳикоя жанрининг XX аср бошларидаги ўзгаришга юз тутиш, янгиланиш принципларини белгилашда Чўлпон ижодига бир неча мартаба мурожаат этади. Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясининг композицион тузилиши, сюжет

кўлами ҳақида чуқур мулоҳаза юритган ҳолдадаврий жиҳатдан олдин яратилган ҳикояларга солиштиради. “Эски ёзгучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, жуда ифротга тушар эдилар: бир ҳикоя ёзганда “аммор уйёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким” деб ҳикоя қаҳрамонларининг туғилиши кунидан бошлаб ўлишига қадар бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсинда, бир турли қилиб қаторлаб тизар эдилар” (1, 14). Фитрат бу каби бир хил, ҳаракатсиз услуб ўқувчини бездиришини, мияга оғриқ олиб киришини таъкидлайди. Олим китобхонни бездирувчи бундай ҳолатлардан қочишнинг асосий ечими сифатида ҳикоя, роман, дostonларни янги шакл ва фасллар асосида шакллантиришни тавсия этади. Чўлпоннинг “Қор кўйнида лола” ҳикоясини ана шундай янги услуб асосида яратилган ҳикоя сифатида кўрсатиб, ёзувчининг маҳоратини очиб беришга ҳаракат қилади. “Бироқ Чўлпон бундай қилмаган. Мундарижани янги-янги тўрт фаслга, тўрт кўринишга бўлган: Тўб ўйуни, шайх, тўй, одамларнинг бу тўй тўғрисида фикрлари. Ҳамда ҳикоянинг Самандар аканинг қизи тўғрисида бўлганини сездирмасдан қизларнинг тўб ўйунларини жуда усталик билан тасвир этишга эришган” (1, 16).

Фитрат Чўлпонни шоир сифатида қадрлаган, шеърий тизмаларнинг турли шаклларида ижод қилган ижодкор сифатида “Адабиёт қоидалари” асарида уларни шарҳлаган, тадқиқ этган. Олим асарда шеърга муносабат билдирар экан, шеърининг шеър бўлишига вазн ва қофиянинг ҳеч қандай дахли йўқлиги, вазни, қофияси бўлиб, шеър бўлмаган парчалар бўлганидек, вазн ва қофияси мавжуд бўлмаган шеърлар ҳам бўлишини эътироф этган ҳолда Чўлпон ижодига мурожаат этади. Олим асарда Чўлпоннинг “Клеупатра” шеърини оқ шеър шаклида ёзилган намуна сифатида келтириб, таҳлилга тортган. “Чўлпоннинг “Клеупатра”си сочим йўсунида ёзилган: вазн, қофия йўқ, бироқ бир шеърдир...

*Ойдин кечаларда сирли Нилнинг бўйларида узун этакларингни
Майсалар, гуллар устидан судраб юруб, янги
Очилган, вафо ҳидли нилуфар чечаги узубсан.
Ўзингни елиб турғучи қўлга чечакнинг фазилатларидан
Гапирганингни эшитдим...”* (1, 14).

Фитрат асарнинг яна бир ўрнида Чўлпон шеърятининг мавзу кўламига назар ташлайди. ЧўлпоншеърятиниНавоий, Фузулий шеърятини билан таққослайди. Мумтоз адабиётимиз намуналарининг аксарият қисми ишқ, ҳижрон мавзуларида яратилган бўлиб, Фитрат Чўлпон шеърятинида ишқ мавзусини янгича ифода йўсинини кўрсатиб беришга эришган.

*“Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайғуларим-ла?
Ҳижронинг куйини бошлаб,
Йиғловчи чолғуларим-ла!*

Севгимдан сўнги малаклар

Тўб-тўғри кўкками учди?

Кўнглимдан тоза тилаклар

Ёвнингми бағрига тушиди?

...деб йиғлагани бутунлай янги нарса каби севилиб ўқиладир. Бу-да услубнинг ҳунаридир. Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига махсус услуби бўлгани каби ҳар замоннинг ўзига махсус услуби бордир” (1, 18). Фитрат бир мавзунинг ўзи турли даврларда турли шаклларда, турли образлар воситасида, турли ўхшатиш ва фикрлар асосида тасвир этилишини Чўлпон ижоди мисолида кўрсатиб беришга эришган. Услуб адабий турларда турлича кўринишда намоён бўлишини асослаш мақсадида биргина Чўлпоннинг ҳам шеърый, ҳам насрий (сочма) асарларидан парчалар келтириб, илмий-назарий муносабат билдириб ўтган. Чўлпоннинг шеърларидан (тизим асарларидан) “Тола йўлларида”, насрий (сочим) асарларидан “Қор кўйнида лола” ҳикояларини чуқур таҳлилга тортган. Шу орқали Чўлпоннинг икки йўналишда ҳам маҳорат билан қалам тебратган ижодкор эканлигини кўрсатиб беришга эришган.

Фитрат ўз замонасининг йирик олими сифатида нафақат мумтоз адабиёт намуналарига оид, балки ўз даврида ҳамфикр ва ҳамнафас бўлган шоирлар ва уларнинг ижодий меросига доир тадқиқотлар олиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. –Т.: Маънавият, 2006.
2. Чўлпон Абдулҳамид Сулаймон ўғли. Асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. –Т.: “Академнашр”, 2016.
3. Чўлпон Абдулҳамид Сулаймон ўғли. Асарлар. 4 жилдлик. 2-жилд. –Т.: “Академнашр”, 2016.
4. Чўлпон Абдулҳамид Сулаймон ўғли. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. –Т.: “Академнашр”, 2016.